



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 12 - aprel

705K -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Нурбердиев Худойберган Ражабовични вояга етмаган неваралари 2011 йил 3 декабрда туғилган Худойберганов Бобуржон Рахимович ва 2015 йил 17 августда туғилган Худойберганова Дилнура Рахим қизига нисбатан васий этиб тайинлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунининг 10, 42-моддалари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги низомнинг 9, 63, 66 ва 67-бандларига мувофиқ

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Васийлик ва ҳомийлик” комиссиясининг 2021 йил 7 апрелдаги хулосаси инобатга олинсин.

2. Богот тумани “Соҳибкор” маҳалласида яшовчи фуқаро 1959 йил 1 октябрда туғилган Нурбердиев Худойберган Ражабовични вояга етмаган неваралари 2011 йил 3 декабрда туғилган Худойберганов Бобуржон Рахимович ва 2015 йил 17 августда туғилган Худойберганова Дилнура Рахим қизига нисбатан васий этиб тайинлансин.

3. Туман халқ таълими бўлими мудири Т.Мирзаевга:

- Мазкур қарорни бир кун муддатда аризагўйга (тайинланган васийга) юбориш таъминлансин.

- Васий ва ҳомий ҳуқуқларининг амалга оширилишини ҳамда мажбуриятларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатсин.

- Васийликка олинаётган шахслар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар белгиланган муддатда давлат реестрига киритиш учун туман ҳокимлигига тақдим этилсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Р.Шарипов зиммасига юклатилсин.

Богот тумани ҳокими

Ш.Яхшибаев